ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ-ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Адҳам Абдуганиевич Ниязов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика Институти
География кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада транспорт тизимининг тузилиши логистикаси иқтисодий жиҳатдан баҳоланиш йўллари ва усуллари хақида ёритилган.

Калит сўзлар: транспорт, логистика, фасл, жозиба, темир йўл, мавсум, иқтисодий баҳолаш

TRANSPORT SYSTEM AS AN OBJECT OF GEOGRAPHICAL RESEARCH

Adham Abduganiyevich Niyazov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Master Student of Geography

ABSTRACT

This article describes the ways and means of economically evaluating the logistics of the structure of the transport system.

Keywords: transportation, logistics, season, attraction, rail, season, economic evaluation

КИРИШ

География фани қадимги фан сифатида ривожланиб келмоқда. Дастлаб география фақатгина ҳудуднинг табиати, аҳолиси ва хўжалигини ёритадиган фан сифатида қаралган бўлсада, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маданий ўсиши давомида давомида ундан қатор янги соҳалашган фанлар ажралиб чиқди. Ҳозирги кунда ҳам бундай фанларнинг вужудга келиши давом этмоқда.

Географиянинг шундай соҳавий фанларидан бири транспорт географияси ҳисобланади. Мазкур фан айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, савдо-сотиқ муносабатлари фаоллашган, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ахборот алмашинуви тезлашган даврда аҳамияти ортиб бормоқда. Шу билан бирга истеъмолчиларга(аҳоли, ишлаб чиқариш

корхоналари ва ҳк) маҳсулот(хизмат) етказиб бериш ҳамда ишга ёки уйга етиб келиш масалаларида вақтни тежаш устуворлик қилаётганлиги фаннинг долзарблигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Транспорт географияси бизнинг ҳудудимизда қадимдан ривожланиб келган. Зеро, Ўзбекистон ҳудуди Шарқ ва Ғарбни боғлашга хизмат қилган 12 минг км дан узунроқ бўлган Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги аҳамият касб этган. Айнан Буюк ипак йўли ўтган ҳудудларда шаҳарлар ривожланган, хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий этган. Шарқда Сариқ денгиз соҳилидан бошланиб Хитойнинг бир неча шаҳарлари орқали ўтиб келган тарихий йўл Фарғона водийсидаги шаҳарлар билан туташган, сўнгра ўз навбатида Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларимиз орқали йўналишни давом эттирган. Буюк ипак йўлининг Фарғона водийсида иккита тармоққа (шимолий ва жанубий) ажралиши яна бошқа кўплаб шаҳарларни ҳам қамраб олишга имкон берган. Бу йўл XVI асргача, яъни Буюк географик кашфиётлар давригача Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий йўл мақомида бўлган. Буюк географик кашфиётлар даврида янги денгиз йўлларининг очилиши натижасида Буюк ипак йўлининг аҳамияти тушган бўлсада, анънавий йўллар орқали қўшни мамлакатлар билан савдо-алоқалари давом этаверган.

Буюк ипак йўлидан ташқари юртимиз ҳудудидан қадимда “Лаъл йўли”, Шимолий йўл каби минтақавий ва маҳаллий йўллар ҳам ўтганки бу олдимизга юртимиз транспорт географияси тарихини, шаклланишини, ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш заруратини қўяди.

Бугунги кунда мамлакатимизда транспорт географиясига оид қўлланмалар етарли эмас. Мамлакатимизда транспорт географияси географиянинг энг кам ўрганилган тармоқларидан бири бўлиб, мавжудлари ҳам биринчи навбатда иқтисодий ёндошувдаги тадқиқотлардан иборат. Жумладан 1960 йилларда Ўзбекистон транспортининг шаклланиш ва ривожланиш масалаларини кенг миқёсда С.М. Ходжаев ўрганган бўлса, Ўзбекистон транспорт тўрининг жойланиш ва ривожланиш масалалари билан Д.И. Менгелдин шуғулланган. Шу билан бирга 1964 йилда М.Н.Адилов, Р.В.Набиев ва Т.К.Камоловлар, 1970 йилда Е.К.Умаров, 1999 йилда К.Ў. Ўлжабоев мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб борган. Шу ўринда А.А. Исаевнинг “Транспорт географияси” номли услубий қўлланмаси соҳани кенгроқ ёритганлиги, охирги маълумотлар билан берилганлиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

Аммо соҳага оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Нафақат вилоят ёки иқтисодий район балки мамлакат миқёсида транспорт географиясининг вужудга келиши, жойлашиши, шаклланиши, ривожланиши, унинг бошқа соҳалар ривожига қўшаётган ҳиссаси, аҳоли пунктларининг таркиб топишига, хизмат кўрсатиш шахобчаларининг пайдо бўлишига, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрнига, юк ва йўловчи ташиш ҳаражатларининг мақбуллаштиришдаги ҳиссасига тўхталиб ўтилмаган.

НАТИЖАЛАР

Биламизки мамлакатимиз географик жиҳатдан материк ичкарисида, континентал минтақада жойлашганлиги сабабли бевосита денгизга чиқиш имкони йўқ давлатлар қаторига киради. Жаҳонда денгизга чиқиш учун камида 2 та давлатнинг ҳудудидан ўтиши керак бўлган икки(бири Лихтенштейн) давлатдан биридир. Бу эса транспортнинг бошқа турлари имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш, мавжудларининг самарадорлигини баҳолаш, янги йўналишларини барпо этишни кун тартибига қўяди.

Мамлакатимизда қуруқлик(автомобил, темир йўл, қувур) ва ҳаво, қувур ва электрон(электр узатиш линиялари) транспортлари яхши йўлга қўйилган. Сув транспорти қисман Амударёда маҳаллий юк ташиш даражасида олиб борилади. Биргина автомобил йўлларини таҳлил қилиб кўрсак, Республика ички хўжалик йўлларининг умумий узунлиги 141 882,2 км ни ташкил этади. Шундан 337,3 км цемент-бетон, 50 767,1 км асфалтбетон, 3 716,8 қора қоплама, 47 636,3 км шағал, 39 424,6 км тупроқ қопламалидир.

2017 йил маълумотларини кўриб чиқадиган бўлсак, Республикамизда автомобиллар учун юк ташишнинг ўртача масофаси 55 км бўлгани ҳолда юк ҳажми 27,5 млрд т/км ни, темир йўл транспорти учун юк ташишнинг ўртача масофаси 369 км бўлиб, 22,9 млрд т/км ни, қувур транспортида ўртача масофа 846 км бўлганда 33,0 млрд т/км ни, ҳаво транспортида ўртача масофа 5079 км бўлиб, юк миқдори 156,9 млн/км ни ташкил қилган.

Бундан кўриниб турибдики қисқа масофали юк ташишда автомобил транспортининг устунлиги, узоқ масофали юк ташишда ҳаво транспортининг устунлиги мавжуд. Шунингдек ишчи кучини жалб қилиш бўйича устунлик эса темир йўл ва қувур транспортида намоён бўлади.

Рельеф жиҳатидан мамлакатимизнинг жанубий ва шарқий томонлари тоғлик ва тоғ оралиғи водийлардан, ғарби ва шимоли-ғарбий қисми асосан текисликдан иборат эканлиги ҳам транспорт йўлларини қурилишида ўз аксини топган. Шунингдек, транспорт тугунларининг вужудга келишида саноат

шаҳарларининг, фойдали қазилмаларнинг, аҳолининг зичлигининг ҳам катта ўрни бор. Транспорт тугунлари айниқса йирик саноат шаҳарлари, вилоят марказларида кўпроқ таркиб топганлиги ҳам бежиз эмас.

География ва итисод мутахассислари транспортни “мамлакатнинг қон томири” деб аташига асос бор албатта. Чунки транспорт йўллари ўтган, транспорт қатновлари тиғиз бўлган йўналишларда турли хизмат кўрсатиш шахобчалари(транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, меҳмонхона, дам олиш, суғурта хизмати, логистика ва ҳк)ни таркиб топади, аҳоли бандлиги таъминланади, ҳудуднинг инфратузилмаси ривожланади.

МУҲОКАМА

Транспорт йўллари ва транспорт тўрининг жойлашувига турли омиллар таъсир кўрсатади. Булар:

-табиий шароит(рельеф, иқлим, гидрографик объектлар, тупроқ-грунт қоплами);

-ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси;

-ҳудудда яшовчи ва уни ўзлаштираётган аҳолининг жойлашиши ва маданияти;

-сиёсий-географик хусусиятлари;

-асосий транспорт оқимлари ва уларнинг йўналишлари;

-транспорт турлари тармоғининг конфигурацияси;

-транспорт тўри хизмат кўрсатаётган маконнинг хусусиятлари.

Бизнинг фикримизча, дастлаб транспорт йўналишлари ишлаб чиқарувчи ва хом-ашё нуқталарини, ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи, хизмат кўрсатувчи ва мижозлар, бир аҳоли пункти ва иккинчи аҳоли пункти ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилиш учун қурилсада, ўз навбатида йўналишлар атрофида бошқа аҳоли пунктларининг таркиб топишига, инфратузилманинг шаклланишига, савдо-сотиқнинг ривожланишига, қолаверса шу ҳудудда илм-фан ва маданиятнинг янада бойишига хизмат қилади.


Ўзбекистон шароитида Ўрта Осиёнинг марказида жойлашганлигидан келиб чиқиб, қўшни давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларининг олиб борилишига хизмат қилувчи халқаро аҳамиятдаги йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Юртимиз ҳудудида транзит юк ташувларининг фаоллашуви ва тиғизлашуви мамлакат иқтисоди учун катта даромад манбаи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб юртимиздан ўтувчи, транзит юк ташишга хизмат қилувчи халқаро йўлларни янада ривожлантириш масаласи муҳимдир.

Республикамиз миқёсида умумий автомобил йўлларининг узунлиги 42 695 км бўлиб, шундан 3 981 кми Халқаро аҳамиятга молик, 14 100 кми Давлат аҳамиятига молик ва 24 614 кми маҳаллий аҳамиятга молик йўллардир.

ЦАРЭС дастури орқали Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, ХХР, Қирғизистон, Муғулистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонни боғлаб турувчи темир йўл ва автомобилнинг мамлакатимиз ҳудудидан ҳам ўтганлиги юртимиз географик ўрнини янада яхшиланишига хизмат қилади.

Мисол учун дастур доирасидаги ЦАРЭС 2-а йўналиши Астрахан, Бейнов, Бухоро, Тошкент, Андижон, Ўш ва Эргаштомни боғлайди. Мазкур коридор йўли Ўзбекистоннинг деярли 80 дан ортиқ хизмат кўрсатиш нуқталари(АЁҚШ, АТХК ва ҳк)мавжуд бўлган аҳоли пунктлари орқали ўтади. ЦАРЭС – 2b лойиҳаси эса Боку-Туркманбоши-Бухоро-Тошкент-Андижон-Ўш-Эргаштом йўналиши орқали Ўзбекистоннинг деярли 70 га яқин аҳоли пунктлари орқали ўтади. ЦАРЭС – 2а лойиҳаси Рубцовск – Олма-Ота – Шымкент – Тошкент – Бухора – Серахс – Бендер Аббос йўналишида юртимиз 45 та аҳоли пункти, ЦАРЭС – 3а лойиҳаси Рубцовск – Олма-Ота – Бишкек – Ўш – Қорамиқ – Джирғатол – Дарбанд – Душанбе – Саросиё – Термиз йўналишида 8 та аҳоли пунктини кесиб ўтади. Агар бу лойиҳанинг бошқа йўналишларини ҳам таҳлил қилиб чиқсак халқаро йўлларнинг аҳамиятини янада билишга имкон беради.

Шу қаторида ТРАСЕКА ва Е-40 Халқаро йўлларнинг ҳам мамлакатимиз ҳудудидан ўтган қисмларини географик нуқтаи назардан баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



1-расм. Халқаро ТРАСЕКА йўналиши харитаси

Тадқиқот асносида транспорт йўналишларида АЁҚШлардаги хизмат кўрсатиш нуқталари сони, умумий овқатланиш шахобчалари, дам олиш масканларининг иш вақти, йўналиш узунлиги, сарф бўлиши мумкин бўлган ёқилғи ҳажми каби масалаларни ҳам очиш, йўналишлар рельфини, иқлимини таҳлил қилиш каби вазифалар ҳам туради.

Транспорт географиясини янада чуқурроқ тадқиқ этарканмиз олдимизга **транспорт оқими, транспорт тугуни, транспорт тўри, транспорт самарадорлиги, транспорт функцияси** каби чуқур ёритиш шартларини қўймоқда.

Бизнинг фикримизча транспорт географияси соҳасида **“транспорт жозибадорлиги”** ва **“транспорт фасли”** каби тушунчаларни киритиш ва уларни кенг ёритиш соҳани янада чуқур ўрганишга имкон беради. Бунда транспорт жозибадорлиги деганда тегишли ҳудуддаги йўллардан(автомобил, темир йўл ва ҳк) фойдаланиш устуворлигини таъминлаётган омиллар(йўлнинг кенглиги ва текислиги, хизмат кўрсатиш шахобчаларининг кўплиги ва сифати, рельефи ва иқлими, йўлдан фойдаланилганлик учун берилаётган турли имтиёзлар, сиёсий барқарорлик, бошқа муқобил йўлларга нисбатан яқинлиги ва ҳк. жиҳатларни назарда тутиш керак. Транспорт фасли деганда маълум бир ҳудуддан ўтаётган транспорт воситаларининг мавсумийлиги, мавсумларда ташилаётган юкларнинг ҳажми ва турининг ўзгариши, юк ёки йўловчиларнинг ташиш йўналишларининг ўзгариши кузатилиб, таҳлил қилиниб янги йўлларни ва инфратузилма объектларини қуришда айнан шу жиҳатларни ҳисобга олиш тушунилади.

ХУЛОСА

Замонавий техник тараққиёт натижасида транспорт тизимида қуйидаги жараёнлар амалга ошмоқда:

1) транспорт тўрининг бутун дунё бўйлаб экспанцияси ва ҳаттоки, энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олиши;

2) юк ва йўловчилари транспортировкасида алоқа тезлиги ва вақтнинг қисқариши, натижада бутунжаҳон иқтисодий ва маданий маконнинг зичлашиши;

3) транспорт тўрининг техник тараққиётга боғлиқ бўлмаган ҳолда жуда нотекис тақсимланиши ва жойлашиши.

Барчага маълумки тадқиқотнинг ўрганиш объекти қанча тор бўлса, соҳа шунча чуқур ўрганилади, ўрганиш объекти қанча кенг бўлса шунча саёз ва

юзаки ўрганилади. Бу тадқиқот ишларининг олтин қоидаларидан биридир. Шундан келиб чиқиб ҳозирги кунда транспорт географиясини нафақат бутун мамлакат доирасида балки уни иқтисодий район ёки маъмурий-ҳудудий бўлиниш тамойили асосида маълум бир вилоят кесимида ўрганиб чиқиш, маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва ечимларни таклиф қилиш зарурати туғилмоқда.

Демакки, биз учун аниқ бир ҳудуд доирасида мавжуд транспорт тугунлари, тўри ва марказларини квалификацияси ҳамда ривожланиш муаммоларини ўрганиш, транспорт турларини ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиш хусусиятларини очиб бериш муҳимдир.

REFERENCES

1. Исаев А.А. Транспорт географияси. Toshkent, “Mumtoz so‘z”, 2019.
2. logistika.uz
3. Shomurodova Shahnoza Gayratovna Chimyon-Chorvoq dam olish zonasi bilan qoplangan Tyanshan tog'laridagi tabiiy ko'llar // Evropa ilmiy sharhi. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (data obrazcheniya: 18.01.2021).
4. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
5. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O’RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
6. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
7. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
8. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. *Journal of Critical Reviews*, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87
9. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.

10. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
11. Иброимов, Ш. Махмуд Болтаев, & Максуда Сатторова (2020). МАКТАБ УКУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences,(3)*, 146-151.
12. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. *Journal of Critical Reviews*, 7 (6), 1189-1196. doi:10.31838/jcr.07.06.214
13. Иброимов, Ш. И. У. Мансур Фарманович Бурибеков, & Максуда Анвар Кизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОХДЯТИНИ ЕТКАЗИШ. *Academic research in educational sciences,(3)*, 275-279.
14. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
15. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.
16. Ibroimov, S. I. (2020). BUGUNGI KUNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARNING AHAMIYATI VA ULARNI TARIX DARSLARIDA QO'LLANILISHI. Academic research in educational sciences, (4), 59-63.
17. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).
18. Abdimurotov, OU (2020). XALQARO PISA DASTURI UChUN KELAJAKLARGA GEOGRAFIYA O'QITUVCHILARINI TAYYORLAShNING MUHIMI. *Iqtisodiyot va sotsium* , (5-1), 3-8.
19. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.